

Асосий асал йиғиш вақти тугаши билан, она ари тухум қўйишни озайтиради. Асаларилар эркак ариларни уядан хайдаб чиқаради ва арихонага ари елимини (прополис) келтириб, эшикчаларни торайтиради. Асаларилар қишга тайёргарликни бошлаганлигини билдиради. Ёш асаларилар қишловдан яхши чиқади. Шунинг учун кузда қуртчаларни кўпайтириш керак. Бунинг учун оилада ёш она ари бўлиши зарур. Табиатда гулшираси бўлмаганида шакар шарбати берилади. Асалари уяси қискартиради. Уядан оз асалли рамкаларини олиб, кўп асалли рамкалар қолдирилади. Оз асалли рамкалар диафрагма орқасига қўйилса, асаларилар асал ташиб олиб ўтади. Қуртчаларни кўпайтириш учун озиқани сентябрь ойидан бошлаб оздан, 200 грамм дан бериш керак. Қишловга асаларилар озиқани ўртада жойлашган рамкаларга озроқ, четдаги рамкаларга кўпроқ қўяди.

Қишловга камида олти асалли рамкани тоъла қоплаган асаларилар кирса яхши бўлади. Бундай асалари оиласига камида 10 кг асал керак. Қишловга асал тўплаш учун, уларни

ўсимликлар бор жойга кўчириш зарур. Кўчирилмаган ҳолатда асаларилар қишловга ярамайдиган пад асал тўплайди. Шира берувчи гуллар бўлмаса, озиқа учун шакар шарбати берилса қишлов яхши ўтади. Мумкатакли рамкалардаги қуртчаларнинг кўпчилиги етилиб чиқиши билан, асалари уяларини қишлов учун йиғиш керак.

Уядаги асаларилар қанча рамкани қуршаб олган бўлса, қишлатиш учун шунча рамка қолдирилади. Уяда қолдирилган асалли рамкаларнинг усти ярим беркитилган бўлиб, ҳар бир рамкада 1,5-2 кг асал бўлиши шарт. Совуқ ва иссиқ об-ҳаво асалари оиласига бир хил зарар кўрсатади. Ҳаво 4 даражадан пасайганида, уларнинг ёнидан ҳам ўраб иситиш керак. Ҳарорат 4 даражадан юқори бўлса, устидаги тўшакчаси етарли бўлади.

Қишловга уялар йиғилиб бўлганидан кейин, арихона эшикчаларини сичқон ўта олмайдиган қилиб торайтиради. Асаларилар ўтиб юриши учун жой қолдирилади. Арихоналарни совуқ шамол ва қаттиқ

совуқлардан сақлаш учун тўсилган жойларга ўрнатиш зарур.

Қиш даврида соғлом асаларилар асални унча кўп сарф қилмайдилар. Баҳорга чиқиш олдида она ари тухум қўя бошлайди, қуртчалар пайдо бўлиши билан асал ишлатиш кўпайиб боради. Бу даврда асалнинг кўп қисми ари қуртчаларини ўстириш учун, арихонани иситиш учун сарф қилинади. Озиқа етарли бўлмаса, ярим кг асални қоғозга ўраб, уя рамкалар устига қўйилади. Нормал қишлаётган асаларилар, қишнинг биринчи ярмида тинч турадилар. Қишнинг иккинчи ярмида асалари қуртчалари пайдо бўлади ва кунлар исий бошлаши билан асалариларнинг визиллаши табора кучаяди.

Асалари оилалари қишловдан яхши чиқиши учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

- Кузда ёш асалариларни устириш.
- Варроатоз ва акарапидоз кана ва битларига қарши курашни ўз вақтида тўғри қўллаш.
- Асалари шамоллашини олдини олиш учун шакар шарбатига антибиотиклар қўшиб бериш.

• Ари оиласида сифатли озика қолдириш (тез кристалланидиган ва пад асаларини қолдириш мумкин эмас).

• Арихоналар элвизак жойларга ўрнатилмаслиги.

• Қишлоқ вақтида асаларичи ҳафтада бир марта асаларидан ҳабар олиб уя намланишини кузатиб туриши.

• Ари уясини ўз вақтида қисқартириб, асаларилар қанча мумкатакли рамкаларни эгаллаб турса, шунча рамкалар қолдирилиши.

• Ҳар бир қолдирилган мумкатакли рамкаларда 1.5-2 кг асал бўлиши шарт.

**Қишлоқ хўжалигида билим ва
инновациялар миллий маркази
Қорақалпоғистон Республикаси
агрохизматлар маркази**

Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси 1^А-уй;
Тел:+99861 229-01-01

Эл.манзил: administration@akiskr.uz
www.akiskr.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА
ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ АГРОХИЗМАТЛАР
МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ АСАЛАРИЧИЛАРИ
УЙУШМАСИ**

**АСАЛАРИ ОИЛАЛАРИНИ ҚИШ
МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ**



AKIS

QISHLOQ XO'JALIGIDA BILIM VA
INNOVATSIYALAR MILLIY MARKAZI

Нукус 2022